<p>8.16.2. созыв годовых и внеочередных общих собраний акционеров, за исключением случаев, предусмотренных частью одиннадцатой статьи 65 Закона Республики Узбекистан «Об акционерных обществах и защите прав акционеров»;</p> <p>8.16.3. подготовка повестки дня общего собрания акционеров;</p> <p>8.16.4. определение даты, времени и места проведения общего собрания акционеров;</p> <p>8.16.5. определение даты формирования реестра акционеров Общества для оповещения о проведении общего собрания акционеров;</p> <p>8.16.6. внесение на решение общего собрания акционеров вопросов, предусмотренных абзацем вторым части первой статьи 59 Закона Республики Узбекистан «Об акционерных обществах и защите прав акционеров»;</p> <p>8.16.7. организация установления рыночной стоимости имущества;</p> <p>8.16.8. досрочное прекращение полномочий председателя и членов Правления Общества, в случаях предусмотренных законодательством и настоящим уставом;</p> <p>8.16.9. утверждение годового бизнес-плана Общества;</p> <p>8.16.10. создание службы внутреннего аудита и назначение её работников, а также ежеквартальное заслушивание её отчетов;</p> <p>8.16.11. доступ к любым документам, касающимся деятельности исполнительного органа Общества, и получение их от исполнительного органа для исполнения возложенных на Наблюдательный совет Общества обязанностей. Полученные документы могут использоваться Наблюдательным советом Общества и его членами исключительно в служебных целях;</p> <p>8.16.12. принятие решения о проведении аудиторской проверки (кроме обязательной аудиторской проверки), об определении аудиторской организации, предельном размере оплаты её услуг и заключении (расторжении) с ней договора;</p> <p>8.16.13. дача рекомендаций по размерам выплачиваемых членам ревизионной комиссии Общества вознаграждений и компенсаций;</p>	<p>ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;</p> <p>8.16.2. акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, бундан Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни 65-моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно;</p> <p>8.16.3. акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;</p> <p>8.16.4. акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойини белгилаш;</p> <p>8.16.5. акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;</p> <p>8.16.6. Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;</p> <p>8.16.7. мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;</p> <p>8.16.8. қонун ҳужжатларида ва мазкур уставда назарда тутилган ҳолларда Жамиятнинг Бошқарув раиси ва аъзоларини ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;</p> <p>8.16.9. Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;</p> <p>8.16.10. ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чорақда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;</p> <p>8.16.11. Жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;</p> <p>8.16.12. аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;</p> <p>8.16.13. Жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;</p>

НА РУССКОМ ЯЗЫКЕ	ЎЗБЕК ТИЛИДА
<p>8.16.14. дача рекомендаций по размеру дивиденда, форме и порядку его выплаты;</p> <p>8.16.15. использование резервного и иных фондов Общества;</p> <p>8.16.16. создание филиалов и открытие представительств Общества;</p> <p>8.16.17. создание дочерних и зависимых хозяйственных обществ Общества;</p> <p>8.16.18. принятие решения о совершении сделок в случаях, предусмотренных главами 8 и 9 Закона Республики Узбекистан «Об акционерных обществах и защите прав акционеров»;</p> <p>8.16.19. заключение сделок, связанных с участием Общества в коммерческих и некоммерческих организациях, в порядке, установленном законодательством;</p> <p>8.16.20. принятие решения о выкупе корпоративных облигаций Общества;</p> <p>8.16.21. принятие решения о выпуске Обществом корпоративных облигаций, в том числе конвертируемых в акции;</p> <p>8.16.22. принятие решения о выпуске производных ценных бумаг;</p> <p>8.16.23. установление размеров выплачиваемых председателю и членам Правления Общества вознаграждений и (или) компенсаций, в пределах установленных решением общего собрания акционеров;</p> <p>8.16.24. определение порядка и условий оказания (получения) благотворительной (спонсорской) или безвозмездной помощи;</p> <p>8.16.25. принятие решения об оказании благотворительной (спонсорской) или безвозмездной помощи в пределах, установленных общим собранием акционеров;</p> <p>8.16.26. назначение корпоративного консультанта и утверждение положения, определяющего порядок его деятельности;</p> <p>8.16.27. утверждение Положения об информационной политике;</p> <p>8.16.28. создание при Наблюдательном совете Комитета по стратегии и инвестициям, Комитета по аудиту, Комитета по назначениям и вознаграждениям, Комитета по противодействию коррупции и этике из числа членов наблюдательного совета и утверждение положений, определяющих порядок их деятельности;</p>	<p>8.16.14. дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;</p> <p>8.16.15. Жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;</p> <p>8.16.16. Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;</p> <p>8.16.17. Жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;</p> <p>8.16.18. Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 8 ва 9 бобларида назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;</p> <p>8.16.19. Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;</p> <p>8.16.20. Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;</p> <p>8.16.21. Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;</p> <p>8.16.22. қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;</p> <p>8.16.23. акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан белгиланган чегара доирасида Жамиятнинг Бошқарув раиси ва аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилаш.</p> <p>8.16.24. хайрия (хомийлик) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш;</p> <p>8.16.25. акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган доирада, хайрия (хомийлик) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш бўйича қарор қабул қилиш;</p> <p>8.16.26. корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш.</p> <p>8.16.27. Ахборот сиёсати тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;</p> <p>8.16.28. Кузатув кенгаши қошида Кузатув кенгаши аъзоларидан иборат Стратегия ва инвестициялар қўмитаси, Аудит қўмитаси, Тайинловлар ва ҳақ тўлаш қўмитаси, Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси ташкил этиш ва уларнинг фаолияти тартибини белгиловчи низомларни тасдиқлаш;</p>

НА РУССКОМ ЯЗЫКЕ	ЎЗБЕК ТИЛИДА
<p>8.16.29. утверждение порядка голосования от имени Общества его представителей в органах управления предприятий и организаций акциями и долями, которых владеет Общество.</p> <p>8.17. К компетенции Наблюдательного совета Общества может быть отнесено решение и иных вопросов в соответствии с Законом Республики Узбекистан “Об акционерных обществах и защите прав акционеров” и настоящим уставом.</p> <p>8.18. Вопросы, отнесенные к компетенции Наблюдательного совета Общества, не могут быть переданы на решение Правления Общества.</p> <p>8.19. Члены Наблюдательного совета Общества избираются общим собранием акционеров сроком на три года.</p> <p>8.20. Лица, избранные в состав Наблюдательного совета Общества, могут переизбираться неограниченно.</p> <p>8.21. Выборы членов Наблюдательного совета Общества осуществляются кумулятивным голосованием.</p> <p>8.22. При кумулятивном голосовании число голосов, принадлежащих каждому акционеру, умножается на число лиц, которые должны быть избраны в Наблюдательный совет Общества, и акционер вправе отдать полученные таким образом голоса полностью за одного кандидата или распределить их между двумя и более кандидатами.</p> <p>8.23. Избранными в состав Наблюдательного совета Общества считаются кандидаты, набравшие наибольшее число голосов.</p> <p>8.24. Председатель Наблюдательного совета Общества избирается членами Наблюдательного совета из его состава большинством голосов от общего числа членов Наблюдательного совета.</p> <p>8.25. Наблюдательный совет Общества вправе переизбрать своего председателя большинством голосов от общего числа членов Наблюдательного совета.</p> <p>8.26. Председатель Наблюдательного совета Общества организует его работу, созывает заседания Наблюдательного совета и председательствует на них, организует на заседаниях ведение протокола, председательствует на общем собрании акционеров.</p> <p>8.27. Акционеры (акционер), являющиеся в совокупности владельцами не менее чем одного процента голосующих акций Общества вправе требовать созыва заседания Наблюдательного совета Общества.</p>	<p>8.16.29. акция ва улушларга Жамият эгалик қилаётган корхона ва ташкилотларнинг бошқарув органларида Жамият номидан унинг вакиллари овоз бериш тартибини тасдиқлаш.</p> <p>8.17. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги қонуни ва мазкур уставга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.</p> <p>8.18. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамиятнинг Бошқарувига ўтказилиши мумкин эмас.</p> <p>8.19. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади.</p> <p>8.20. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.</p> <p>8.21. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.</p> <p>8.22. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.</p> <p>8.23. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият Кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.</p> <p>8.24. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан Кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.</p> <p>8.25. Жамиятнинг Кузатув кенгаши ўз раисини Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.</p> <p>8.26. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.</p> <p>8.27. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг Кузатув кенгаши мажлисини чақирилишини талаб қилишга ҳақли.</p>

НА РУССКОМ ЯЗЫКЕ	ЎЗБЕК ТИЛИДА
<p>8.28. В случае отсутствия председателя Наблюдательного совета Общества его функции осуществляет один из членов Наблюдательного совета.</p> <p>8.29. Решения Наблюдательного совета Общества могут быть приняты заочным голосованием (опросным путем) всеми членами Наблюдательного совета единогласно.</p> <p>8.30. Решения на заседании Наблюдательного совета Общества принимаются большинством голосов присутствующих, если законодательством и настоящим уставом не предусмотрено иное.</p> <p>8.31. Заседание Наблюдательного совета правомочно (имеет кворум), если на заседании участвуют не менее 75 (семидесяти пяти) процентов избранных членов Наблюдательного совета Общества.</p> <p>8.32. В состав Наблюдательного совета Общества от предусмотренного настоящим уставом количества членов Наблюдательного совета включаются не менее 30% независимых членов – квалифицированных международных специалистов путем активного привлечения на основе международного конкурса зарубежных специалистов в сфере химической промышленности (в том числе из числа соотечественников).</p> <p>8.33. Отчет исполнительного органа (правления) Общества заслушивается не реже одного раза в квартал на заседаниях Наблюдательного совета, в том числе посредством видеоконференцсвязи и электронного голосования (e-VOTE).</p> <p>8.33. Руководство текущей деятельностью Общества осуществляется коллегиальным исполнительным органом - Правлением.</p> <p>8.34. Правление Общества состоит из 6 (шесть) человек:</p> <ul style="list-style-type: none"> - председатель Правления; - первый заместитель председателя Правления по вопросам трансформации; - первый заместитель председателя Правления по производству, локализации, расширению кооперационных связей в промышленности и информационным технологиям; - заместитель председателя Правления по инвестициям и инновациям; - заместитель председателя Правления по экономике и финансам; - советник председателя Правления по инвестициям - квалифицированный международный специалист путем активного привлеченного на основе международного конкурса зарубежных 	<p>8.28. Жамият Кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.</p> <p>8.29. Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.</p> <p>8.30. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади, агар қонунчиликда ва мазкур уставда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса.</p> <p>8.31. Агар Жамият кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг 75 (етмиш беш) фоизидан кам бўлмаган аъзолари мажлисда қатнашса, Кузатув кенгаши мажлиси ваколатли (кворумга эга) бўлади.</p> <p>8.32. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига мазкур уставда назарда тутилган Кузатув кенгаши аъзоларидан камида 30 фоизи мустақил аъзолар – халқаро танлов асосида чет эллик соҳа мутахассисларини (жумладан, ватандошларни) фаол жалб этиш орқали малакали халқаро мутахассислар киритилади.</p> <p>8.33. Жамият ижро этувчи органи (бошқаруви)нинг ҳисоботи ҳар чорақда камида бир марта Кузатув кенгашининг мажлисларида, шу жумладан, видеоконференцалоқа тизими орқали ва электрон овоз (e-VOTE) бериш йўли билан ўтказиладиган мажлисларда эшитилади.</p> <p>8.33. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш коллегиал ижроия органи - Бошқаруви томонидан амалга оширилади.</p> <p>8.34. Жамият Бошқаруви 6 (олти) кишидан иборат бўлиб, улар:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Бошқарув раиси; - Бошқарув раисининг трансформация масалалари бўйича биринчи ўринбосари; - Бошқарув раисининг ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш ва ахборот технологиялари бўйича биринчи ўринбосари; - Бошқарув раисининг инвестиция ва инновация бўйича ўринбосари; - Бошқарув раисининг иқтисод ва молия бўйича ўринбосари; - Бошқарув раисининг инвестиция масалалари бўйича маслаҳатчиси – халқаро танлов асосида чет эллик соҳа мутахассисларини (жумладан,

НА РУССКОМ ЯЗЫКЕ	ЎЗБЕК ТИЛИДА
<p>специалистов сферы химической промышленности (в том числе из числа соотечественников).</p> <p>8.35. Избрание (назначение) Председателя и членов правления осуществляется общим собранием акционеров сроком на три года с ежегодным принятием решения о возможности продления или прекращения срока действия договора, заключаемого каждым из них.</p> <p>Назначенное (переназначенное) в качестве Председателя правления, не может быть руководителем исполнительного органа более двух сроков подряд.</p> <p>8.36. По решению общего собрания акционеров назначение Председателя и членов Правления Общества осуществляется, как правило, на основе конкурсного отбора, в котором могут принимать участие иностранные менеджеры.</p> <p>8.37. Права и обязанности Председателя и членов Правления установлены законодательством, настоящим уставом и договором, заключаемым каждым из них с Обществом сроком на один год с ежегодным принятием решения о возможности его продления или прекращения.</p> <p>8.38. Договор от имени Общества подписывается председателем Наблюдательного совета или лицом, уполномоченным Наблюдательным советом Общества.</p> <p>8.39. Размеры вознаграждений Председателя и членов правления Общества находятся в прямой зависимости от эффективности деятельности Общества и должны быть определены договором.</p> <p>8.40. Совмещение функции Председателя и членов правления Общества с должностью в органах управления других организаций допускается только с согласия Наблюдательного совета Общества.</p> <p>8.41. Общее собрание акционеров вправе прекратить (расторгнуть) договор с Председателем и членами Правления Общества при нарушении ими условий договора.</p> <p>8.42. Наблюдательный совет Общества вправе прекратить (расторгнуть) договор с Председателем и членами Правления Общества при нарушении ими условий договора.</p> <p>8.43. Наблюдательный совет Общества имеет право досрочного прекращения (расторжения) договора с Председателем и членами Правления Общества при совершении ими грубых нарушений устава</p>	<p>ватандошларни) фаол жалб этиш орқали тайинланадиган малакали халқаро мутахассис.</p> <p>8.35. Жамият бошқарув раиси ва аъзоларини сайлаш (тайинлаш) акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга ҳар йили улар билан тузиладиган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида қарор қабул қилиш билан амалга оширилади.</p> <p>Бошқарув раиси сифатида тайинланган (қайта тайинланган) шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ ижро органи раҳбари бўлиши мумкин эмас.</p> <p>8.36. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра Жамият Бошқарув раиси ва аъзоларини тайинлаш, қоида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.</p> <p>8.37. Жамият Бошқарув раиси ва аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларида, мазкур уставда ҳамда уларнинг ҳар бири Жамият билан бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади.</p> <p>8.38. Шартнома Жамият номидан Жамият Кузатув кенгашининг раиси ёки Кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади.</p> <p>8.39. Жамиятнинг Бошқарув раиси ва аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори Жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланган бўлиши керак.</p> <p>8.40. Жамиятнинг Бошқарув раиси ва аъзоларининг вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат Жамият Кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.</p> <p>8.41. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг Бошқарув раиси ва аъзолари билан тузилган шартномани улар шартнома шартларини бузган тақдирда тугатишга (бекор қилишга) ҳақли.</p> <p>8.42. Жамият Кузатув кенгаши Бошқарув раиси ва аъзолари билан тузилган шартномани улар шартнома шартларини бузган тақдирда тугатишга (бекор қилишга) ҳақли.</p> <p>8.43. Жамият Кузатув кенгаши Бошқарув раиси ва аъзолари билан тузилган шартномани, агар улар Жамият уставини қўпол тарзда бузса</p>

НА РУССКОМ ЯЗЫКЕ	ЎЗБЕК ТИЛИДА
<p>Общества или причинении Обществу убытков их действиями (бездействием).</p> <p>8.44. В случае принятия общим собранием акционеров Общества решения о прекращении полномочий Председателя правления вопрос о передаче полномочий Председателя правления Общества другому лицу может быть решен на том же собрании либо оставлен для рассмотрения на ближайшем общем собрании акционеров с назначением временно исполняющего обязанности Председателя правления Общества.</p> <p>8.45. Наблюдательный совет Общества, принявший решение о прекращении полномочий Председателя правления Общества, принимает решение о назначении временно исполняющего обязанности Председателя правления, а также созывает внеочередное общее собрание акционеров для решения вопроса о Председателе правления Общества.</p> <p>8.46. К компетенции Правления Общества относятся все вопросы руководства текущей деятельностью Общества, за исключением вопросов, отнесенных к компетенции общего собрания акционеров или Наблюдательного совета Общества.</p> <p>8.47. Правление Общества обеспечивает исполнение решений общего собрания акционеров и Наблюдательного совета Общества.</p> <p>8.48. Полномочия (права) и обязанности Председателя правления Общества:</p> <p>8.48.1. в пределах своей компетенции руководить деятельностью Общества;</p> <p>8.48.2. без доверенности действовать от имени Общества, в том числе представлять его интересы;</p> <p>8.48.3. выдавать доверенности от имени Общества;</p> <p>8.48.4. в пределах компетенции заключать от имени Общества сделки;</p> <p>8.48.5. принимать на работу сотрудников, заключать и расторгать с ними трудовые договора, применять в отношении них меры дисциплинарного воздействия, обеспечивать соблюдение сотрудниками трудовой и исполнительской дисциплины;</p> <p>8.48.6. назначение руководителей филиалов и представительств;</p> <p>8.48.7. утверждение штата;</p> <p>8.48.8. издание приказов, распоряжений и выдача предписаний, обязательных для исполнения всеми сотрудниками, акционерными обществами и предприятиями;</p>	<p>ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.</p> <p>8.44. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан Жамият Бошқарув раисининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Жамият Бошқарув раисининг ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша йиғилишнинг ўзида ҳал этилиши ёхуд Жамият Бошқарув раисининг вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаган ҳолда акциядорларнинг яқин орадаги умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун қолдирилиши мумкин.</p> <p>8.45. Бошқарув раисининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган Жамият Кузатув кенгаши Жамият Бошқарув раисининг вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилади, шунингдек Жамиятнинг Бошқарув раиси тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиради.</p> <p>8.46. Жамият Бошқарувининг ваколатига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.</p> <p>8.47. Жамиятнинг Бошқаруви акциядорлар умумий йиғилишининг ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини таъминлайди.</p> <p>8.48. Жамият Бошқарув раисининг ваколатлари (ҳуқуқлари) ва мажбуриятларига қўйидагилар киради:</p> <p>8.48.1. ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;</p> <p>8.48.2. Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалаш;</p> <p>8.48.3. Жамият номидан ишончномаларни бериш;</p> <p>8.48.4. ўз ваколатлари доирасида, Жамият номидан битимлар тузиш;</p> <p>8.48.5. ходимларни ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларни тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;</p> <p>8.48.6. Жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;</p> <p>8.48.7. штатларини тасдиқлаш;</p> <p>8.48.8. Жамиятнинг барча ходимлари, акциядорлик жамиятлари ва ташкилотлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар қабул қилиш ва кўрсатмалар бериш;</p>

НА РУССКОМ ЯЗЫКЕ	ЎЗБЕК ТИЛИДА
<p>8.48.9. участвовать в работе Наблюдательного совета Общества;</p> <p>8.48.10. открывать расчетные счета (в национальной и иностранных валютах);</p> <p>8.48.11. полномочия первой подписи на банковских и финансовых документах;</p> <p>8.48.12. обеспечивать своевременное и полное представление статистической и бухгалтерской отчетности в соответствующий государственный орган;</p> <p>8.48.13. обеспечить соблюдение социальных гарантий сотрудников и осуществление охраны их труда;</p> <p>8.48.14. для приобретения и строительства жилья обеспечить целевыми денежными средствами сотрудников Общества.</p> <p>8.48.15. Председатель правления может иметь другие полномочия (права) и обязанности в соответствии с законодательством Республики Узбекистан, настоящим уставом и внутренними нормативными документами Общества.</p> <p>8.49. Полномочия (права) и обязанности Правления Общества:</p> <p>8.49.1. в рамках своих полномочий распоряжаться имуществом и денежными средствами Общества;</p> <p>8.49.2. утверждать положения о структурных подразделениях Общества и должностные инструкции работников Общества;</p> <p>8.49.3. утверждать внутренние нормативные документы Общества, за исключением внутренних нормативных документов, утверждение которых отнесены к компетенции общего собрания акционеров или Наблюдательного совета;</p> <p>8.49.4. принятие решений Правления Общества обязательных для исполнения акционерными обществами, организациями, филиалами и представительствами;</p> <p>8.49.5. назначение и освобождение руководителей филиалов Общества от занимаемой должности;</p> <p>8.49.6. разрабатывать программы и бизнес-планы развития Общества, контролировать их исполнение;</p> <p>8.49.7. обеспечивать получение прибыли в размере, предусмотренном бизнес – планом, утвержденным уполномоченным органом Общества;</p> <p>8.49.8. обеспечивать организацию, надлежащее состояние и достоверность бухгалтерского учета и отчетности в Обществе,</p>	<p>8.48.9. Жамият Кузатув кенгашининг ишида иштирок этиш;</p> <p>8.48.10. банкларда ҳисоб рақамлар (миллий ва хорижий валюта ҳисоб рақамлар) очиш;</p> <p>8.48.11. Жамиятнинг банк ва бошқа молия ҳужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлиш;</p> <p>8.48.12. давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;</p> <p>8.48.13. Жамият ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилинишини ва уларнинг меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлаш;</p> <p>8.48.14. Жамият ходимларини уй-жой сотиб олишлари ва уй-жой қурилишлари учун мақсадли пул маблағлари билан таъминлаш;</p> <p>8.48.15. Жамият Бошқаруви раиси Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, мазкур устав ва Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар (ҳуқуқлар) ва мажбуриятларга ҳам эга.</p> <p>8.49. Жамият Бошқарувининг ваколатлари (ҳуқуқлари) ва мажбуриятларига қўйидагилар киради:</p> <p>8.49.1. ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг мол–мулки ва пул маблағларини тассаруф этиш;</p> <p>8.49.2. Жамиятнинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;</p> <p>8.49.3. Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, акциядорлар умумий йиғилишининг ва Кузатув кенгашининг ваколатига киритилган ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш бундан мустасно;</p> <p>8.49.4. акциядорлик жамиятлар, ташкилотлар, ваколатхоналар ва филиаллар учун мажбурий бўлган Жамият Бошқарувининг қарорларини қабул қилиш;</p> <p>8.49.5. Жамият филиаллари раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш;</p> <p>8.49.6. Жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режаларини ишлаб чиқиш, уларни бажарилишини назорат қилиш;</p> <p>8.49.7. Жамиятнинг ваколатли бошқарув органи томонидан тасдиқланган бизнес-режада кўрсатилган миқдорларда фойда олишни таъминлаш;</p> <p>8.49.8. қонунчиликка мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши ва ишончилигини, ҳамда акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган</p>

НА РУССКОМ ЯЗЫКЕ	ЎЗБЕК ТИЛИДА
<p>а также сведений о деятельности Общества, направляемых акционерам, кредиторам и иным получателям сведений;</p> <p>8.49.9. беспрепятственно предоставлять документы о финансово – хозяйственной деятельности Общества по требованию Наблюдательного совета, ревизионной комиссии или аудитора Общества;</p> <p>8.49.10. в рамках своей компетенции заключать сделки, связанные с отчуждением или приобретением имущества, либо возможностью отчуждения (в случае если члены Правления не приходят к единогласию, вопрос о заключении данной сделки выносится на решение Наблюдательного совета);</p> <p>8.49.11. хранение сведений содержащих коммерческую тайну Общества;</p> <p>8.49.12. соблюдает все права акционеров по начислению и выплате дивидендов;</p> <p>8.49.13. в рамках своей компетенции обеспечение эффективного и стабильного функционирования Общества;</p> <p>8.49.14. соблюдать требования законодательства Республики Узбекистан и внутренних документов Общества;</p> <p>8.49.15. сообщать наблюдательному совету Общества сведения о наличии существенной заинтересованности (прямой, косвенной или от имени третьих лиц) в заключении какой-либо сделки или в каком-либо вопросе, непосредственно касающемся Общества;</p> <p>8.49.16. управление репутационными рисками Общества;</p> <p>8.49.17. Правление может иметь и другие полномочия (права) и обязанности в соответствии с законодательством Республики Узбекистан, настоящим уставом и нормативными документами Общества.</p>	<p>Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;</p> <p>8.49.9. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар Жамиятнинг Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва Жамият аудитори талабига кўра тўсқинликсиз тақдим этиш;</p> <p>8.49.10. ўз ваколатлари доирасида мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битимлар тузиш (битим тузиш масаласида Жамият бошқаруви яқдиллигига эришилмаган ҳолларда битим тузиш тўғрисидаги масала Жамият бошқаруви қарорига мувофиқ Кузатув кенгаши ҳукмига ҳавола этилиши мумкин);</p> <p>8.49.11. Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш;</p> <p>8.49.12. дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилиш;</p> <p>8.49.13. ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш;</p> <p>8.49.14. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш;</p> <p>8.49.15. ҳар қандай битим тузилишида ёки Жамиятга бевосита тегишли ҳар қандай масалада муҳим манфаатдорлиги (тўғридан тўғри, билвосита ёки учинчи шахслар номидан) тўғрисидаги маълумотларни жамият кузатув кенгашига етказиш;</p> <p>8.49.16. Жамиятнинг репутация рискларини бошқариш;</p> <p>8.49.17. Жамиятнинг Бошқаруви Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, мазкур устав ва Жамиятнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар (ҳуқуқлар) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.</p>
<p>Раздел IX. Фонды общества</p>	<p>IX - бўлим. Жамиятнинг фондлари</p>
<p>9.1. Из чистой прибыли в Обществе создается резервный фонд.</p> <p>9.2. Резервный фонд создается в размере пятнадцати процентов от уставного фонда (уставного капитала) Общества.</p> <p>9.3. Резервный фонд Общества формируется путем обязательных ежегодных отчислений от чистой прибыли до достижения</p>	<p>9.1. Жамиятда соф фойда ҳисобидан захира ва уй-жой қуриш ва сотиб олиш фондлари ташкил этилади.</p> <p>9.2. Жамият устав фондининг (устав капиталининг) ўн беш фоизи миқдорида захира фонди ташкил этилади.</p> <p>9.3. Жамиятнинг захира фонди мазкур уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойдадан ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали</p>

НА РУССКОМ ЯЗЫКЕ	ЎЗБЕК ТИЛИДА
<p>им размера, установленного настоящим уставом. Размер ежегодных отчислений не может быть менее пяти процентов от чистой прибыли до достижения размера, установленного настоящим уставом Общества.</p> <p>9.4. Резервный фонд Общества предназначен для покрытия его убытков, погашения корпоративных облигаций Общества и выкупа акций Общества в случае отсутствия иных средств.</p> <p>9.5. Резервный фонд Общества не может быть использован для иных целей.</p> <p>9.6. Если резервный фонд Общества полностью или частично израсходован обязательные отчисления возобновляются.</p> <p>9.7. В Обществе создаются Фонд модернизации и новых технологий, Фонд по охране труда, Фонд поддержки инновационной деятельности и Фонд развития и поддержки организаций химической промышленности.</p> <p>9.8. Порядок формирования и использования средств фондов осуществляется в порядке предусмотренном законодательством и положениями об этих фондах.</p> <p>9.9. Общество вправе создавать иные фонды в порядке, установленном законодательством.</p>	<p>шакллантирилади. Ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори мазкур уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойданинг беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.</p> <p>9.4. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Жамиятнинг захира фонди Жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, Жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш ва Жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.</p> <p>9.5. Жамиятнинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.</p> <p>9.6. Агар Жамиятнинг захира фонди тўлиқ ёки қисман сарфланса, мажбурий ажратмалар ўтказиш тикланади.</p> <p>9.7. Жамиятда Модернизация қилиш ва янги технологиялар фонди, Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича фонди, Инновацион фаолиятни қўллаб қуватлаш фонди ҳамда Кимё саноати ташкилотларини ривожлантириш ва қўллаб қуватлаш фонди.</p> <p>9.8. Фондларни шакллантириш ва маблағларидан фойдаланиш қонунчиликда ва ушбу фондлар тўғрисидаги низомларда белгиланган тартибда амалга оширилади.</p> <p>9.9. Жамият қонунчиликда белгиланган тартибда бошқа фондларни ташкил этиш ҳуқуқига эга.</p>
<p align="center">Раздел X. Выплата дивидендов</p>	<p align="center">X - бўлим. Дивидендларни тўлаш</p>
<p>10.1. Общество вправе по результатам первого квартала, полугодия, девяти месяцев финансового года и (или) по результатам финансового года принимать решения о выплате дивидендов по размещенным акциям Общества.</p> <p>10.2. Срок выплаты дивидендов не может быть позднее шестидесяти дней со дня принятия такого решения.</p>	<p>10.1. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.</p> <p>10.2. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.</p>
<p align="center">Раздел XI. Контроль за деятельностью Общества</p>	<p align="center">XI - бўлим. Жамиятнинг фаолиятини назорат қилиш</p>
<p>11.1. Для осуществления контроля за финансово-хозяйственной деятельностью Общества общим собранием акционеров избирается ревизионная комиссия в составе 3 человек сроком на один год.</p> <p>11.2. Квалификационные требования к членам ревизионной комиссии Общества устанавливаются общим собранием акционеров. Одно</p>	<p>11.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга 3 аъзодан иборат тафтиш комиссияси сайланади.</p> <p>11.2. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айни бир</p>

НА РУССКОМ ЯЗЫКЕ	ЎЗБЕК ТИЛИДА
<p>и то же лицо не может избираться в состав ревизионной комиссии Общества более трех раз подряд.</p> <p>11.3. Компетенция ревизионной комиссии Общества определяется законодательством и настоящим уставом Общества.</p> <p>11.4. По письменному требованию ревизионной комиссии Общества лица, занимающие должности в исполнительном органе Общества, обязаны представить ей документы о финансово-хозяйственной деятельности Общества.</p> <p>11.5. Члены ревизионной комиссии Общества не могут одновременно являться членами Наблюдательного совета Общества, а также работать по трудовому договору (контракту) в Обществе.</p> <p>11.6. Проверка финансово-хозяйственной деятельности Общества осуществляется по итогам деятельности за год или иной период по инициативе ревизионной комиссии, общего собрания акционеров, Наблюдательного совета Общества или по требованию акционера (акционеров), являющегося владельцем не менее чем пятью процентами голосующих акций Общества, путем предварительного уведомления Наблюдательного совета Общества.</p> <p>11.7. По итогам проверки финансово-хозяйственной деятельности Общества ревизионная комиссия Общества составляет заключение, в котором должны содержаться:</p> <ul style="list-style-type: none"> - оценка достоверности данных, содержащихся в отчетах и иных финансовых документах Общества; - информация о фактах нарушения порядка ведения бухгалтерского учета и представления финансовой отчетности, а также законодательства при осуществлении финансово-хозяйственной деятельности. <p>11.8. Ревизионная комиссия ежеквартально выносит на заседание Наблюдательного совета Общества заключение о наличии сделок с аффилированными лицами или крупных сделок в Обществе, а также соблюдении требований законодательства и внутренних документов Общества к совершению таких сделок. Заключение, содержащее информацию, указанную в п.11.7. настоящего устава, заслушивается на годовом общем собрании акционеров.</p> <p>11.9. В Обществе создается служба внутреннего аудита. Служба внутреннего аудита подотчетна Наблюдательному совету Общества.</p> <p>11.10. Служба внутреннего аудита Общества осуществляет контроль и оценку работы исполнительного органа, филиалов</p>	<p>шахс Жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.</p> <p>11.3. Жамият тафтиш комиссиясининг ваколат доираси қонун ҳужжатлари ва Жамиятнинг мазкур устави билан белгиланади.</p> <p>11.4. Жамият тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра Жамият ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслар Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этиши шарт.</p> <p>11.5. Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Жамият Кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.</p> <p>11.6. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, Жамият Кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра Жамият Кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича амалга оширилади.</p> <p>11.7. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра Жамиятнинг тафтиш комиссияси хулоса тузади, бу хулосада:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо; - бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт. <p>11.8. Тафтиш комиссияси Жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чорақда Жамият Кенгаши кенгашининг мажлисига олиб чиқади. Ушбу уставнинг 11.7. бандида кўрсатилган ахборотни ўз ичига олган хулоса акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.</p> <p>11.9. Жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати Жамиятнинг Кузатув кенгашига ҳисобдордир.</p> <p>11.10. Жамиятнинг ички аудит хизмати Жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига,</p>

НА РУССКОМ ЯЗЫКЕ	ЎЗБЕК ТИЛИДА
<p>и представительств Общества путем проверок и мониторинга соблюдения ими законодательства, устава Общества и других документов, обеспечения полноты и достоверности отражения данных в бухгалтерском учете и финансовой отчетности, установленных правил и процедур осуществления хозяйственных операций, сохранности активов, а также соблюдения установленных законодательством требований по управлению Обществом.</p> <p>11.11. Аудиторская организация осуществляет проверку финансово-хозяйственной деятельности Общества и предоставляет ему аудиторское заключение в установленном законодательством порядке в соответствии с заключенным с ней договором.</p> <p>11.12. Аудиторская организация несет ответственность перед Обществом за причинение ущерба вследствие составления аудиторского заключения, содержащего неправильный вывод о финансовой отчетности и иной финансовой информации Общества.</p> <p>11.13. Акционер (акционеры) владеющие не менее чем десятью процентами голосующих акций Общества вправе инициировать проведение внешнего аудита для проверки деятельности Общества предварительно уведомив об этом Наблюдательный совет Общества.</p> <p>11.14. В Общества вводится должность корпоративного консультанта, подотчетного Наблюдательному совету Общества и выполняющего функции контроля за соблюдением корпоративного законодательства.</p> <p>11.15. Деятельность корпоративного консультанта Общества осуществляется на основании положения, утвержденного Наблюдательным советом Общества.</p>	<p>Жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.</p> <p>11.11. Аудиторлик ташкилоти Жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамият молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулосасини тақдим этади.</p> <p>11.12. Аудиторлик ташкилоти Жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун Жамият олдида жавобгар бўлади.</p> <p>11.13 Жамият овоз берувчи акцияларининг камида ўн фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) Жамият Кузатув кенгашини бу ҳақда олдиндан хабардор қилган ҳолда Жамият фаолиятини текшириш учун ташқи аудит ўтказишни ташаббус қилиш ҳуқуқига эга.</p> <p>11.14. Жамиятда Кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган ва корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи корпоратив маслаҳатчиси лавозими жорий этилади.</p> <p>11.15. Жамият корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади.</p>
<p align="center">Раздел XII. Заключительные положения</p>	<p align="center">XII - бўлим. Якуний қоидалар</p>
<p>12.1. Все изменения и дополнения, вносимые в настоящий устав по решению общего собрания акционеров и в рамках своих полномочий Наблюдательного совета, регистрируются соответствующим государственным органом Республики Узбекистан.</p> <p>12.2. Изменения и дополнения в устав Общества или устав Общества в новой редакции приобретают силу для третьих лиц с момента их государственной регистрации, а в случаях, установленных</p>	<p>12.1. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ва ўз ваколатлари доирасида Кузатув кенгаши томонидан мазкур уставга киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг тегишли давлат органида белгиланган тартибда рўйхатга олинади.</p> <p>12.2. Жамият уставига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги устави учинчи шахслар учун улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан бошлаб, қонунчиликда</p>

НА РУССКОМ ЯЗЫКЕ	ЎЗБЕК ТИЛИДА
<p>действующим законодательством, с момента уведомления органа, осуществляющего государственную регистрацию.</p> <p>12.3. В случае если одно из правил настоящего устава утратило силу, это правило не является причиной для приостановления других правил.</p> <p>12.4. Если действующими законодательными актами Республики Узбекистан установлены иные положения, чем предусмотрено настоящим уставом Общества, то применяются правила действующих законодательных актов Республики Узбекистан.</p> <p>12.5. Вопросы, связанные с созывом и проведением общего собрания акционеров регулируются действующим законодательством и определяются положением об общем собрании акционеров Общества.</p> <p>12.6. Порядок деятельности Наблюдательного совета, исполнительного органа и ревизионной комиссии Общества определяются положениями, утвержденными общим собранием акционеров.</p> <p>12.7. Миноритарный акционер Общества не должен препятствовать деятельности органов управления Общества путем необоснованного истребования документов и использования конфиденциальной информации, коммерческой тайны.</p> <p>12.8. Отношения, не урегулированные настоящим уставом, регулируются законодательством Республики Узбекистан.</p>	<p>белгиланган ҳолларда эса давлат рўйхатидан ўтказувчи орган хабардор этилган пайтдан эътиборан кучга киради.</p> <p>12.3. Агар мазкур уставни бирон бир қоидаси ўз кучини йўқотган бўлса, бу қоида бошқа қоидаларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.</p> <p>12.4. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида Жамиятнинг мазкур уставида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари қоидалари қўлланилади.</p> <p>12.5. Акциядорлар умумий йиғилишини чақириш ва ўтказиш билан боғлиқ масалалар амалдаги қонунчилик билан тартибга солинади ва Жамиятнинг акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисидаги низом билан белгиланади.</p> <p>12.6. Жамият Кузатув кенгаши, ижроия органи ва тафтиш комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган низомларда белгиланади.</p> <p>12.7. Жамиятнинг миноритар акциядори асосиз равишда ҳужжатларни талаб қилиб олиш ва махфий маълумотлардан, тижорат сиридан фойдаланиш орқали Жамият бошқарув органлари фаолиятига тўсқинлик қилиши мумкин эмас.</p> <p>12.8. Мазкур уставда тартибга солилмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан тартибга солинади.</p>

**Вр.и.о. председателя правления
АО «Узкимёсаноат»**



Е.А. Коржиков

**“Ўзкимёсаноат” АЖ
бошқаруви раиси в.в.б.**